ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ (1917-1938 ЙЙ)

Ғ.М.ҲАЙДАРОВ

В статье на основе архивных материалов анализируется состояние национального ремесленничества в годы советской власти (1917-1938 гг.).

In this article is analyzed the basis of archival materials of the condition national craft in period of the Soviet authority (1917-1938 yy.).

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида ҳунармандчилик иттифоқи ва ҳунармандчилик кенгаши ташкил қилинди. Бу билан масаланинг фақат бир томони, яъни ҳунармандчилик бошқарувининг юқори бўғини юзага келтирилди. Мустабид совет ҳукуматининг дастлабки кунидан бошлаб нотўғри олиб борилган иқтисодий сиёсат ва бу сиёсатга қарши олиб борилган қуролли қаршилик ҳаракати даврида юз берган вайронагарчилик саноатни, транспортни, қишлоқ хўжалигини тушкунлик ҳолатига олиб келди, савдо-сотиқ тўхтаб колди. Халқ истеъмол моллари бўлган пахта ёғи ва совун ишлаб чиқариш, тошкўмир ва нефть қазиб олиш ниҳоят даражада камайиб кетди. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ғалла, газлама, металл буюмлари, ёғоч ва бошқа маҳсулотларни олиб келиш деярли батамом тўхтаб колгани сабабли ўлкада мушкул вазият юзага келди. Пул кадрсизланиб борди. Натижада ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талаб кучайди.

РКП(б) X съезди(1921 йил, март)да янги иқтисодий сиёсатни йўлга қўйишни эълон қилди. ТАССРда янги иқтисодий сиёсат(НЭП)га ўтиш зарурати Туркистон коммунистлар партиясининг VI съездида (1921 йил, 11-20 август) сиёсий жиҳатдан асослаб берилди ва шундан сўнг Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил, 21-25 август) қарори билан расмийлаштирилди. Шу қарорлардан кейин хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида ўрта ва майда корхоналар, ҳаммомлар, томоша муассасалари ва бошқалар ижарага берилди. Дастлабки йилларда ҳунармандчилик соҳасида маълум даражада жонланиш юз берди. 1921 йилда Туркистон АССРда саноат корхоналарини рўйхатга олиш (1920) давомида ҳисобга олинган 13450 косиб-ҳунармандчилик корхонасидан 12671 таси ишлаб турарди [1;15].

Туркистон АССР ҳукумати томонидан майда ҳунармандчилик саноатининг деҳқон хўжалигига кўмаклашадиган тармоқлари: қишлоқ хўжалиги анжомлари ҳамда оддий қишлоқ хўжалик асбобларини, машиналарини ишлаб чиқарувчи ва тузатувчи, шунингдек, турли хил рўзғор буюмлари ва кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи соҳаларини биринчи навбатда тиклаш ҳақида кўрсатма берилиши, бир томондан, халқ хўжалигида аҳволнинг танглигидан далолат берса, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни тиклаш мустабид совет давлати учун катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат эди. Шу боис косиб ва ҳунармандлар учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ўз меҳнати маҳсулотини эркин тасарруф қилиш манфаатдорлигига мувофиқ келувчи шароитларни яратишга эътибор каратилди.

Давлат хўжалик идоралари билан ҳунармандчилик саноати ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатишнинг етакчи қоидаси сифатида тижорат асоси эътироф этилиб, ихтиёрий негизда ҳунармандчилик кооперациясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди [2; 145]. Бу босқичда майда товар ишлаб чикарувчи ҳунарманднинг ижодий тадбиркорлик фаолиятига йўл очиб бериш зарурлиги ҳар томонлама таъкидланди. Туркистон МИҚ, ХКС ва Халк

Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) ташаббуси билан 1921 йил февралида ҳунармандчилик кооперативлари Умумтуркистон қурултойи чақирилди, унда Туркистон ҳунармандчилик иттифоқи ("Туркпромсоюз") тасдиқланди[3;349]. Кейинроқ Туркистон МИҚнинг 1921 йил август ойида қабул қилган карори асосида Туркистонда косиб-ҳунармандларни кооперацияга бирлаштириш ҳаракати бошлаб юборилди. 1922 йил октябрига келиб жами косибларнинг 388840 нафари кооперацияга бирлашди. Улар ишлаб чиқариш белгиларига кўра қуйидагича тақсимланар эди:

1. Темирчилар – 114 та артель, ходимлар сони 3130 киши.
2. Тўқувчилар – 312 та артель, ходимлар сони 9286 киши.
3. Кўнчилар – 342 та артель, ходимлар сони 7451 киши.
4. Кимёгарлар – 131 та артель, ходимлар сони 2650 киши.
5. Озиқ-овқатчилар – 154 та артель, ходимлар сони 3725 киши.
6. Тикувчилар – 61 та артель, ходимлар сони 1415 киши.
7. Ёғочсозлар – 113 та артель, ходимлар сони 2179 киши.
8. Бошқа турли ишлаб чиқарувчилар – 113 та артель, ходимлар сони 1002 киши [3; 351].

Бироқ архив хужжатларининг гувоҳлик беришича, бу бирлашмалар кўп ҳолларда расмий кўринишга эга бўлиб, аслида, артелларнинг бир қисми тарқаб кетган, маълум қисми эса қийинчилик билан фаолият кўрсатаётган эди. Чунки бундай уюшиш аъзолик ва пай бадалларидан иборат муайян харажатлар билан боғлиқ эди [4; 320].

Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан (1925 йил) сўнг косиб ва ҳунармандларни кооперациялаш суръати бирмунча ошди. Раҳбар ташкилотлар ҳунармандчилик саноатининг республика иқтисодий балансидаги аҳамиятини ҳисобга олиб, уни тиклаш бўйича жиддий қадамлар ташлай бошладилар.

Ўзбекистон компартиясининг I съездида (1925 йил, 6-12 феврал, Бухоро) ҳунармандчилик саноатига имтиёзли қарз бериш, хомашё билан таъминлаш ва маҳсулот сотишда ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлиги эътироф этилди [6;19,41]. Ўзбекистон коммунистларининг II съездида (1925 йил, 22-30 ноябр, Самарқанд) эса съезд қарорининг "Кооператив курилиш тўғрисида"ги махсус бўлими республикада косиб-ҳунармандчилик кооперациясини ривожлантириш дастуридан иборат эди. Бу дастур кооперация вазифалари, унинг давлат билан ўзаро муносабатлари масалаларини, қарз бериш ва солиқ солиш қоидаларини аниқ белгилаб берганди [5; 163, 164].

1925 йил 4 октябрда Ҳунармандчилик кооперацияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқи" (“Узпромсоюз”) ва меҳнат кооперациясини тасдиқлаш ҳакида қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида 1925 йил 5 декабрдан бошлаб мустақил ҳунармандчилик маркази фаолият юрита бошлади [6;2]. Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперациясида 1 октябрга қадар ҳунармандчилик артеллари 283 тани ташкил қилган бўлса [6;14], ҳунармандчилик иттифоқи ташкил топгач, ҳунармандчилик артеллари сони ҳам ўсиб борди: 1926 йилда ҳунармандчилик артеллари сони 341 тани, 1927 йилда 386 тани, 1928 йилга келиб эса 415 тани ташкил қилди.

Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқига уюшган ҳунармандлар сони 1927 йил 1 октябрига 16484 нафарни ташкил қилган бўлса, 1928 йил 1 октябрга келиб артеллар 22000 нафар ҳунармандни бирлаштирди ёки бу кўрсаткич 1927 йилга нисбатан 1928 йилда 33-34 фоизга ошди [6; 36]. 1929 йил 31 августда Ўзбекистон ССР ҳукумати қабул қилган қарорда "Ҳунармандчилик саноати аҳволини яхшилаш ва уларнинг фаолиятини юқори даражага кўтариш, ҳунармандларга камёб маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш ва 1929-1930 йилларда Ўзбекистонда ҳунармандчиликни кооперациялаштиришни 36 фоизгача қамраб олиш вазифаси" қўйилди.

Умуман, 1926-27 йилларда Республика ҳунармандчилик саноати 135700 минг сўмлик, ценз бўйича эса 628000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу жами ялпи маҳсулотнинг 68,3 фоизини ташкил этарди [7;44,45]. Ушбу рақамлар таҳлили бу йилларда Ўзбекистонда ҳунармандчилик саноати устун даражада эканлигидан далолат беради. Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, давлат ўз "ҳомийлигини" ноизчил амалга оширди, ҳунармандчилик саноатининг ривожланишига тўсқинлик қилган, кейинчалик эса бошқа омиллар билан бир қаторда янги иқтисодий сиёсатнинг тўла емирилишига сабаб бўлган ишлар ҳам юз берди.

Ҳунармандчилик саноати тармоқ нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, 1928-29 йилларда унинг таркибида кийим-кечак ишлаб чиқариш 32,4, пахтани қайта ишлаш 14,7, кўн-мўйна

саноати 10,1, ипакка ишлов бериш 7,94, металлга ишлов бериш 6,1 фоизни ташкил қилар эди. Бу тармоқларнинг деярли барчасида 1928-29 йилларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1927-28 йилларга нисбатан камайди (Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқида 1928 йилда ялпи маҳсулот 39,6 млн. сўмни ташкил қилган эди)[7;1]. Чунончи, кийим-кечак ишлаб чиқариш 1,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8 фоиз, пахтани қайта ишлаш 0,7 фоиз ва кўн-мўйначилик 11,9 фоизга камайди [8;72,73].

Биринчи беш йиллик якунлари бўйича Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперациясидаги ҳолат қуйидагича эди: ҳунармандчилик артеллари сони 1925 йил 1 октябрга келиб 283 тани ташкил қилган бўлса, 1928 йил 1 октябрга келиб 415 тани, 1933 йил 1 январига келиб эса 495 тани ташкил қилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1928 йилдаги 39,6 млн.сўмдан, 1932 йилга келиб 175,2 млн.сўмга, кенг истеъмол молларининг қиймати 109,2 млн. сўмни ёки умумий маҳсулотнинг 62,3 фоизини ташкил қилди [9;1].

Бу йилларда Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперациясининг иккинчи беш йиллик давомида ишлаб чиқарган ялпи маҳсулоти ҳажмини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин:

1-жадвал

1932 йилги нарх ҳисобида млн.сўм					
№	Йиллар	Бутуниттифоқ ҳунармандчилик кенгаши		Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши ("Узпромсовет")	
		Жами	Шу билан бирга қишлоқда	Жами	Шу билан бирга қишлоқда
1.	1932 йил 1 январь	5428,7	871,9	141,8	13,1
2.	1933 йил 1 январь	5192,1	745,3	95,5	5,7
3.	1934 йил 1 январь	6012,3	859,6	121,8	9,7
4.	1935 йил 1 январь	7287,5	1095,5	168,1	13,1
5.	1936 йил 1 январь	10445,2	1548,9	267,7	35,1
6.	1937 йил 1 январь	12727,3	1909,0	379,2	56,7

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгашида 1938 йилгача маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати Бутуниттифоқ ҳунармандчилик кенгашига нисбатан юқори эканлигини кўрамиз. Бироқ 1938 йилда ўсиш суръати бўйича Ўзбекистон ҳунармандчилик кенгаши Бутуниттифоқ ҳунармандчилик кенгашидан бирданига орқада қолиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш сусайганлигига қарамасдан, бутун ҳисобот даврида Бутуниттифок ҳунармандчилик кенгашига нисбатан ўсиш суръати юқорилигича қолди:

1933 йилда - 1,69
1934 йилда - 2,07
1935 йилда - 2,30
1936 йилда - 2,57
1937 йилда - 2,98
1938 йилда – 2,78 [10; 36]

Ҳунармандчилик кооперацияси ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг айрим вилоятлар бўйича ўсиши қуйидагича борди:

2-жадвал [10;40]

№	Вилоятлар	1935 йил	1938 йил	Фоиз
1.	Тошкент вилояти	58552	141509	241,7
2.	Фарғона вилояти	64554	140971	218,4
3.	Самарқанд вилояти	23963	45784	191,1
4.	Бухоро вилояти	15995	43583	272,5
5.	Хоразм вилояти	5086	12261	300,1
6.	ҚҚАССР	11568	15600	134,9
Жами		179718	402708	224,1

Юқоридаги жадвал шундан далолат берадики, ялпи маҳсулотнинг ўсиш даражаси Хоразм ва Бухоро вилоятларида нисбатан мўътадил бўлган. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда нисбатан орқада қолиш Қорақалпоғистон АССР ва Самарқанд вилоятларида кузатилган.

Умуман олганда, тадқиқ қилинаётган йилларда миллий ҳунармандчилик саноат асосига ўтказилиб, социализм манфаатлари йўлида хизмат қилишга мажбур қилинди. Лекин шундай бўлса-да, бу йилларда ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳажми ошди. Ҳунармандчилик Ўзбекистон ССР иқтисодиётининг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшди. Оғир иқтисодий танглик, озиқ-овкат, кийим-кечак, рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари танқислиги даврида ҳунармандчилик аҳолини ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирди. Аммо айнан шу йиллардан бошлаб ҳунармандчиликнинг ҳудудий-миллий хусусиятлари, ҳунарманд билан аҳоли ўртасидаги бозор муносабатлари, яъни унинг ўз маҳсулотига эгалик килиши, нарх белгилаши ва сотиши каби азалий анъана ва удумларининг аста-секин барҳам топиб боришига асос солинган эди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Р. Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. – Т.: Фан, 1981
2. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций.- Т., 1983
3.ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 524-иш, 351-варақ.
4.Отчет о деятельности СНК и Экономического совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г.– Т., 1922.
5. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т.I.- Т.,1987
6. ЎзР МДА, 297-фонд, 1-рўйхат, 100-иш.
7. Отчет ЦККП (б) Узбекистана III Курултаю. Октябрь 1925- октябрь 1927.- Т.,1927
8. Конъектурный обзор народного хозяйства Узбекистана за 1928-29 гг. – Самарканд, 1930
9.ЎзР МДА, 382-фонд, 1-рўйхат, 2444-иш.
10.ЎзР МДА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 36-варақ.

Андижон давлат университети,
2010 йил 10 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. З.Қутибоев)